



# Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2009 йил 24 апрель, № 82 (4745) Жума

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 23 апрель куни Оқсаройда «Korean Air» авиакомпанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш борасидаги муаммоларни, бунга Навоий шаҳри халқаро аэропорти негизда барпо этилаётган эркин ин-


дустриал-иқтисодий зонада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар яна бир далил эканини таъкидлади. «Korean Air» билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ушбу зонада қитъалараро интермодал ло-

гистика маркази МДХда ягонадир. У ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва орталади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан лизинг асосида Жанубий Кореядан олинган биринчи «А 300-600 F» юк самолёти 20 апрель

дан лизинг асосида Жанубий Кореядан олинган биринчи «А 300-600 F» юк самолёти 20 апрель (Давоми 2-бетда).

23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2008 йилги ҳисоботи билан мазкур палата раиси Б. Мусаев сўзга чиқди. У ўтган йили Хисоб палатаси фаолияти Вазиirlар Маҳкамасининг 2008 йил февралдаги мажлисида Президент Ислон Каримов томонидан белгиланган мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқ ташкил этилганини таъкидлади. Хисобот даври давомида Хисоб палатаси 2007 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг таъминоти амалга ошириш, унга баҳо берди ва мамлакатнинг 2009 йилга мўлжалланган асосий молиявий ҳужжатни экспертизасини ўтказди. Давлат бюджетни ижроси шакллантирилиши ва ижро этилиши тармоқлари ҳамда худудлар бўйича мода-дама-модда таҳлил қилинди, давлат маблағларини сарфлаш устидан ҳам республика, ҳам маҳаллий даражада назорат ташкил этилди. Хисоб палатаси маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кўпай-

(Давоми 2-бетда).

техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлардаги аъзолиги билан боғлиқ харажатлар.

**25-модда. Низоларни ҳал этиш**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**26-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**27-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 23 апрель, № ЎРК — 213

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2009 йил

**10-модда. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

- техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига тақлифлар киритади;
- умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқишларини амалга оширади;
- умумий ва махсус техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича тақлифлар тайёрлайди;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлирини тузади;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиришда иштирок этади;
- умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

**11-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича тақлифлар ҳамда улар юзасидан ҳулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комис-

сияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлири**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлири умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлирининг фаолияти Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**13-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан ҳамда ўз ваколатлари доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органлари томонидан шакллантирилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди умумий ва махсус техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўзлари тасдиқлаган махсус техник регламентларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондида белгиланган тартибда тақдим этади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**14-модда. Техник регламентлар тўғрисидаги ахборот**

Амалдаги, ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинган техник ре-

ишлаб чиқилган техник регламентларни келишиб олади; ишлаб чиқилган техник регламентлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлайди.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар ишлаб чиқилган техник регламентлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ичида уларнинг муҳоама қилинишини таъминлайди.

**20-модда. Техник регламентларни қабул қилиш тартиби**

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг ҳулосаси олингандан кейин умумий техник регламентларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасига белгиланган тартибда юборади.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятининг йўналишлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг ҳулосаси олингандан кейин умумий техник регламентларни тасдиқлайди.

Тасдиқланган умумий ва махсус техник регламентлар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида олти ой ўтгач амалга киритилади.

Умумий ва махсус техник регламентларни эълон қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**21-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларининг техник регламентларни ишлаб чиқиш учун қўлланилиши**

Техник регламентларни ишлаб чиқишда махсуслотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлик мезонларини белгилловчи техник

**махсуслотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги** — махсуслотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш харажатларининг, баҳариландиган ишлар, қўрсатилмайдиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, аτροφ мулкига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайдиган;

**техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар** — техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қондалари ва нормалари, шахарсозлик нормалари ҳамда қондалари, экологик нормалар ва қондалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

**техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, махсуслотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилловчи норматив ҳужжат;

**умумий техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, бир турдаги махсуслотлар, ишлар ва хизматлар гуруҳи хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилловчи норматив ҳужжат;

**махсус техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, умумий техник регламентга назарда тутилмаган махсуслотлар, ишлар ва хизматлар айрим турининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилловчи норматив ҳужжат;

**савдодаги техник тўсиқлар** — махсуслотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда мавжуд бўлган тафовутлари ёки ўзгаришлари оқибатида савдода юзага келадиган тўсиқлар.

**4-модда. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари**

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасига тақлифлар киритади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини тузади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни ўз ваколати доирасида экспертизадан ўтказди;

ўз ваколати доирасида ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиirlлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиғий муҳоаза қилиш давлат қўмитасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиirlлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, махсуслотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлигига доир, уларда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш бўйича мажбурий талабларга таалуқли ишларнинг баҳариланишини ташкил этади ва таъминлайди.

ёнгин хавфсизлиги; электр хавфсизлиги; машина ва ускуналарни ишлатиш (улардан фойдаланиш) ҳамда утилизация қилиш хавфсизлиги; электромагнит мослиги; қурилиш ишлари хавфсизлиги; биналар, ишчиотлардан ва уларга туташ худуддан фойдаланиш хавфсизлиги; экологик хавфсизлик; ветеринария хавфсизлиги; саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги; портлаш хавфсизлиги; ахборот хавфсизлиги; ўлчовларнинг ва синовлар ускулларининг бир хиллигини таъминлаш.

Техник регламентларда махсуслотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа талаблар ҳам белгиланган бўлиши мумкин.

**17-модда. Техник регламентларнинг мазмуни**

Техник регламентлар куйидагиларни ўз ичига олиши керак: махсуслотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги тавсифлари; хавфсизлик талаблари белгиланган махсуслотлар, ишлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхати; атамаларга, ўров-идишга, тамгаларга ёки ёрликларга ҳамда уларни акс эттириш қондаларига ва махсуслотни идентификация қилишга доир талаблар; махсуслотлар намуналарини олиш ва уларни синовдан ўтказиш қондалари; давлат назоратини амалга ошириш тартиби; махсуслотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган синовлар, ўлчовлар қондалари ва ускуллари.

Зарарли микроорганизмлар ва қўшимчалар, касалликлар, касаллик тарқатувчилар, инфосанитариячи моддалар, токсинлар, зараркунандлар ва бегона ўсимликлар кириб келиши ёки тарқалиши муносабати билан юзага келадиган инсоннинг ҳаёти ва

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

куни Тошкентга келиб кўнди. Миллий авиакомпаниямига лизинг асосида «Korean Air» яна бир шундай самолёт тақдим этади ва бу қудратли ҳаво кемалари логистика маркази ихтиёрига берилади. Бу билан марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун дунёдаги барча юк бозорларига йўл очилади. Қирқ тоннагача юк кўтарадиган

«А 300-600 F» етти минг километр масофани тўхта-масдан босиб ўта олади. Дижиталга сазовор жиҳати шундаки, хорижда Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иктисодий зонага қизиқиш кучайиб бормоқда. Жорий йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сарможий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Корейлик ишбилармонлар эркин ин-

дустриал-иктисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрофича таъинирилди. Умумий қиймати 500 миллион АҚШ доллари ошадиган 35 сарможий лойиҳа бўйича келишувларга эришилгани ҳам эркин индустриал-иктисодий зонанинг аҳамияти ҳақида яхши тасаввур беради. Умуман, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иктисодий

ҳамкорлик қўламини кенг. Автомобилсозлик, нефть-газ, нефть кимёси, тўқимачилик, ахборот технологиялари, маиший электроника ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида кенг шариқлик алоқалари ўрнатилган. Фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик ва соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгай-

тириш учун янги имкониятлар юзга келмоқда. Оқсаройдаги учрашувда Чо Янг Хо самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, «Korean Air» Ўзбекистондаги халқаро сарможий лойиҳаларда янада фаол иштирок этишга тайёр эканини таъкидлади. Суҳбат чоғида кўшма лойиҳалар ижросининг бо-риши, янгиликларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Инқирозга қарши 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурда Президент Ислам Каримов томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг ўта муҳим шартлари таъкидланди. Бу ишда қонунийлик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш принциплари қатъий риёза этиш зарур. Муҳокама иштирокчилари Ҳисоб палатасининг ҳисоботини қўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий мувофиқ ҳолда ўтаётганини, иқтисодийни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан янгилаш ва диверсификациялаш, инновация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларига барҳам бериш мақсадларида давлат ажратаётган мо-

лиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан парламент назоратининг самарали шаклларида бири эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилги ҳисоботини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди. Агар, сув хўжалиги масалари ва экология қўмитаси аъзоси К. Турғунбоев Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддасига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ушбу ҳужжат 2008 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайхон қилинишига қарши курашишни қўлайлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга мувофиқ ишлаб чиқилган. Ҳужжатнинг муҳокамаи вақтида депутатлар жойларда

қизилорларни пайхон қилиш ва бузиш далиллари қўлига, бу ҳол дон, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қўлаб нобуд бўлишига олиб келмаётганига эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумоти қарора қўра, ўтган йилнинг фақат тўққиз ой ичида экинзорларни пайхон қилишдан қўрилган зарар 64 миллион сўмни ташкил этган. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида қорондида қаби ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни қўлайлаштириш мақсадига Кодексга тегишли ўзгаришлар киритиш тақлиф қилинди. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида сиёсий партиялар баън фракциялари вакиллари баён этган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилди. Қонун маққулаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

(ЎЗА).

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МОҲИЯТИ



Мазкур амалий қўлланмани тайёрлашдан асосий мақсад бугунги кунда қишлоқларимизда жорий этилаётган изчил ислохотларнинг ҳуқуқий асослари мазмунини ижрочиларга ҳамда аҳолига етказишдир. Айниқса, Давлат дастурининг асосий йўналишлари мазмун-моҳиятини ўқувчиларга тизимли етказиш ишда белгиланган чора-тадбирларни, соҳага оид қонун ҳужжатларини амалиётга таътиқ этишда қўл келади.

Амалий қўлланманинг биринчи бўлими «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларида қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид билдирилган ғоялар,

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти жамоаси томонидан мамлакатимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган амалий қўлланма тайёрланиб чоп этилди.**

## Амалий қўлланма

«Фикр-мулоҳазалар» деб номланиб, унда давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 2 ва 3 июлда XII қаҳиринг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясидаги маърузасидан то 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида (2009 йил 13 февраль) айтилган фикрлар, ғоя ва қарашлар ўрин олган.

Қўлланмада «Қишлоқ тараққиё-

ти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури моҳиятидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш масалалари атрофича ёритилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида тупроқ умудорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлашнинг таъминлик-ҳуқуқий масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Мухтасар айтганда, мазкур амалий қўлланма мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси турмуши шарт-шароитларини яратиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, айни пайтда, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бўйича қабул қилинган тегишли қонун ҳужжатлари ҳамда Давлат дастури мазмун-моҳиятини унинг ижрочилари ва аҳолининг кенг қатламга етказиш бўйича муҳим вазифа бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқ мамлакатимиз тараққиёти, ривожланиши қишлоқларимиз фаровонлиги ва ободлиги билан узвий боғлиқдир.

**Х. ИБРАГИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси.**

## Яхши хабар

**Кўрки ва қўлами жиҳатдан Сурхондарё вилоятида ягона бўлган Қумқўрғондаги узунлиги 1080 метрлик кўприк қурилишида иш қизғин кетмоқда.**

## Йўлни йўлга боғлайди

Кўприк 4Р-104 айланма йўлини М-41 Олмаота — Бишкек — Денов — Термиз автомагистралга билан боғлайди. Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлидаги поездлар қатновида қулайлик яратилди.

— Қўриқга қарийб ўн миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошираётимиз, — деди пудратчи ташкилот — Денов йўл хўжалик қурилиш-таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси бошқари ўринбосари Фарход Мамадалиев. — Кўприкнинг иккала томонидан, шунингдек, 2 миң метр масофа бўйлаб катта йўл кенгайтирилмоқда. Муस्ताқиллигимизнинг ўн саккиз йиллик тўйига қадар бу улкан қурилишни нияҳосига етказамиз.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси таъбири билан «Йод танқислиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишнинг минтақавий дастури» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

# ЙОДЛАНГАН ТУЗ — САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

У парламент қўйи палатаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги бошлар жағмармаси (ЮНИСЕФ) ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум доирасида ташкилланган.

Кайд этилганимизда, бугунги кунда мамлакатимизда озик-овқат маҳсулотлари сифати ва ҳафсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқий асослар яратилган. Хулладан, «Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонун аҳолини йодланган озик-овқатлар билан таъминлашда муҳим ўрин ту-

тади. Бироқ мазкур ҳужжатнинг жойлардаги ижроси ўрганилганда, айрим ҳудудларда бу борада қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Хусусан, болаларда йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган буюқ касаллигининг учраётганлиги таъминланганли-

Маълумотларга қўра, бугунги кунда жаҳоннинг юздан эйд мамлакатларида истаемол тузлари йодланганлиги таъминланган. Аммо йодни истаемол қилиш 54 та мамлакатда ҳанузгача етарли эмас. Жумладан, Жануби-Шарқий Осиё, Европа минтақаси

ҳамда Марказий Осиёдаги икки миллионга яқин одам йод танқислиги ҳавфи остида яшамоқда. Шу боис тадбир иштирокчилари озқавий микроэлементлар танқислиги ўрнини тўлдирининг энг самарали воситаси, бу — истаемолдаги тузни йодлаш ҳамда уни темир моддаси билан бойитиш эканлигини таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда давлатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаз қилиш ҳамда ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, она сuti билан озиқлантиришни кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш натижасида ёш авлод соғлом ва барқамол бўлиб вояга етади.

Давра суҳбатида аҳолини сифатли, йодланган ош тузи билан таъминлаш ҳамда унинг инсон саломатлиги учун зарур маҳсулот эканлиги яна бор эътироф этилди. Бу борадаги ишларни янада жалдлаштириш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

Қирқиш чизиги

ламентлар тўғрисидаги ахборот юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдалана оладиган бўлиши керак. Давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар тарқатилмаслиги керак.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига қўра:

амалдаги, ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги баҳолаш тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзоллиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

ишлаб чиқилаётган, қабул қилинган техник регламентларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

## 3-боб. Техник регламентлар

### 15-модда. Техник регламентларнинг турлари

Ўзбекистон Республикасида техник регламентларнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

умумий техник регламентлар;

маҳсус техник регламентлар.

### 16-модда. Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар қуйидагилар бўйича белгиланиши мумкин:

биологик хавфсизлик;

механик хавфсизлик;

кимёвий хавфсизлик;

ядровий ва радиациявий хавфсизлик;

10

Бўқлаш чизиги

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**техник жиҳатдан тартибга солиш** — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш;

2

Қирқиш чизиги

жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатлардан фойдаланилади.

Техник регламентларда далилий база сифатида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг матнлари тўлиқ ёки қисман келтирилади.

#### 22-модда. Техник регламентларга риёза этиш

Техник регламентларга риёза этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Техник регламентлар амалга киритилган, стандартлаштириш бўйича уларда кўрсатилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир йилгари қабул қилинган тегишли норматив ҳужжатлар мажбурийлик ҳусусиятини йўқотган ҳамда белгиланган тартибда қўлланилишида ихтиёрийлик касб этади.

#### 23-модда. Техник регламентларга риёза этилиши устидан давлат назорати

Техник регламентларга риёза этилиши устидан давлат назорати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### 4-боб. Яқунловчи қоидалар

##### 24-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш республика бюджети ва юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

умумий техник регламентларни ишлаб чиқиш;

умумий ва маҳсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини юритиш;

15

Қирқиш чизиги

соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши ҳавфи даражаси ҳамда зарарни бартараф этиш хисобга олинган ҳолда техник регламентларда санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари ҳам кўрсатилиши керак.

Санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирларида қуйидагилар белгилайди:

маҳсулотга, уни ойнаш, текшириш тартиб-таомилига, санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария хулосасини бериш тартибига доир мажбурий талаблар;

карантин ва ветеринария-санитария қоидалари, шу жумладан хайвонлар ва ўсимликларни ташини билан боғлиқ талаблар;

намуналар олиш усуллари ва тартиб-таомили, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши ҳавфини тадқиқ этиш ҳамда баҳолаш усуллари, шунингдек техник регламентларда кўрсатилган бошқа талаблар.

Техник регламентларда маҳсулотнинг конструкциясига ва ба-жарилишига доир талаблар бўлмаслиги лозим, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши ҳавфи даражаси хисобга олинган ҳолда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар йўқлиги сабабли маҳсулот хавфсизлиги таъминлан-маслиги ҳолини бундан мустасно.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан узққ муддат фойдаланилиши оқибатида ва (ёки) йўл қўйиладиган хавф даражасини аниқлаш имкониятини бермайдиган бошқа омиллар тасвири сабабли инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказиладиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир талаблар техник регламентларда бўлмаслиги керак. Бунда техник регламентларда ақтиол тутилган зарар тўғрисида ҳамда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши ҳавфи ҳайси оқибатларга боғлиқ бўлса, шу омиллар ҳақида истаемолчи-ларни баҳорлов қилишга доир талаблар бўлиши мумкин.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир қуйидаги маҳсус талаблар бўлиши мумкин:

қонун ҳужжатларида белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига муҳофаза қилинишини таъминлайди-ган маҳсус талаблар;

техноген ҳусусиятли фақуллода вазиятлар юзга келган тақдирда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга, юридик, жисмоний

12

## 2-боб. Давлат органларининг ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

### 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди;

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқ-лайди;

умумий техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мажбур регламентлар-ни бекор қилади.

### 8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатлари мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли дав-лат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш да-стурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган тақлифлар киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва маҳ-сус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштириш ҳамда ташкил этади;

умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгариш

5

инсон ҳаёти ва соғлиғига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулк хавфсизлигини таъминлаш;

атроф муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги ҳусу-сида истаемолчиларни чағитиувчи ҳаракатларнинг олди-ни олиш.

#### 5-модда. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги;

техник регламентларни қўллашнинг бир хилилиги;

техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш со-ҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;

техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очкиклиги.

#### 6-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари — Ўзбекистон стандартлаштириш, метро-логия ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Респу-бликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбеки-стон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўми-таси;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бош-қаруви органлари.

4

шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига таҳдид солувчи трансге-равий ҳавфини ишлаб чиқариш объектларига оид маҳсулотлар.

Давлат сирларидан ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат бўлган маълумотларни ўз ичига олган техник регламентлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Техник регламентлар тугал бўлиб, Ўзбекистон Республикаси-нинг бутун ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилади ҳамда уларга фақат белгиланган тартибда ўзгариш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ўзгариштирилиши мумкин.

#### 18-модда. Техник регламентларни ишлаб чиқиш дас турларини шакллантириш

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини шаклланти-риш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа вако-латли давлат органларининг ҳамда давлат ва хўжалик бошқару-ви органларининг ўз ваколатлари доирасидаги тақлифлари инobatта олинган ҳолда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва се-ртификаштириш агентлиги томонидан амал

# O'ZSANOATQURILISHBANK

**Бугун жаҳон молиявий-иқтисодий ҳаётида кечаятган инқироз ер юзи халқларини жиддий ташвишга соляпти. Ушбу муаммо ҳеч бир давлатни четлаб ўтатгани йўқ. Ҳатто, ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги, ишсизликнинг ортиб бориш ҳоллари кузатишмоқда. Қолаверса, матбуот орқали дунёдаги айрим компанияларнинг ўз фаолиятини тўхтатгани, минглаб ишчиларни бағрига сиғдирган корхоналарнинг хувилаб қолганини эшитиш янгилик бўлмай қолди.**

Аммо иқтисодий салоҳияти тобора мустаҳкамлашиб бораётган мамлакатимизда мазкур муаммоларнинг амалий ечими топилиб, иқтисодий имкониятларимиз янада юксалиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ўсаятганини англаб етиш қийин эмас. Негаки, шу кеча-кундузда жаҳонда рўй бераётган иқтисодий бўҳрон оқибатлари-ю, юртимиздаги бугунги тўқин ҳаёт манзараларини солиштириш, тасаввур қилишнинг ўзи кифоя. Ҳаммамизга маълум, Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари бутун дунёда кенг ўрганилмоқда. Ундаги мақсад ва вазифалар, чуқур асосли нуқтаи назарлар хорижий мамлакатлар эксперт ва илмий-тадқиқот доираларида юксак баҳоланмоқда. Юртимизда бу борада махсус дастур ишлаб чиқилиб, унда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи акс этгани, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва имкониятлари йилдан-йилга тобора юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар иқтисодиётнинг барча йўналишларида ўз самарасини берапти. Бу ҳақда Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдулари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳам алоҳида таъкидлади. Жумладан, дунёнинг йирик молия бозорларида рўй бераётган инқироз шароитида юртимиз тижорат банкларининг ишонч билан фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Очиги, бугун тижорат банклари мамлакатимиз иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди. Улар томонидан амалга оширилаётган кредитлаш ва инвестиция фаолияти устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, республикамизда устувор иқтисодий ўсишга қўшарини қўлаштиради, модернизациялаш ва ўрнатилган иш ўринларини ташкил этиш имконини бермоқда. Ана шу сарф-ҳаракатлар "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг мамлакатимиздаги энг йирик ва қудратли молиявий-иқтисодий муассасалардан бирига айланишда муҳим омили бўлмоқда.

## Самарали фаолият эътирофи

Банк соҳаси бўйича катта таърибага эга «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бугун фаолияти омонатчилар, мижоз ва акциядорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга, иқтисодиётда бозор ислохотларини чуқурлаштиришга қаратилган. Банк капиталининг йилдан-йилга ўсиб бораётгани ушбу мақсадларни рўйбга чиқаришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди. 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами капитали 167,6 миллиард сўмга етказилди. Низом жамғармаси эса 100 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, «Ўзхимпром» ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниялари Акциядорлар таркибиде Республика Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан бирга 30962 нафар хисомий ва 3659 нафар юридик шахс бирлашган. Ҳозирда 1 миллиондан ортиқ киши банк хизматидан баҳраманд. Шу йил бошига келиб, жами кредит қўйилмалари 949,6 миллиард сўмга етди. Умумий активлар ҳажми 1459,8 миллиард сўмга тенг бўлди.

Барқарор ва самарали фаолият кўрсатаётган мазкур банк дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари Эътиборидан ҳам четда қолаётгани йўқ. Утган йили жаҳонга машҳур «Fitch Ratings» рейтинг агентлиги «Ўзсаноатқурилишбанк»ка истиқболли ва ишончли кўрсаткиччи кредит рейтингини эълон қилди. Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» 2008 йилда эришган юқори кўрсаткичлари бўйича «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг компанияси томонидан берилган баҳога кўра, мамлакатимиздаги мавжуд барча тижорат банклари орасида энг ижобий молия муассасаси деб топилди.

Бинобарин, ҳозирги мураккаб шароитда бу каби халқаро миқёсда юқори баҳога сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бу, энг аввало, мамлакатимиз Президентининг банк тизимига бўлган алоҳида эътибори, уни янада ривожлантириш бўйича билдирган ғоя ва ташаббуслари натижасидир. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни

бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобида таъкидланганидек, Ўзбекистонда қабул қилинган ислохотлар ва модернизациялашнинг ўзига хос модели ўтган давр мобайнида амалда ўзини тўлиқ оқлади. Бунда ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўли танлан-

## «Ўзсаноатқурилишбанк»:

# ВАҚТ СИНОВИДА ҚОЗОНИЛГАН ИШОНЧ

**Кўп йиллик таърибага эга бўлган ушбу молия муассасаси мижозларнинг ана шундай эътирофига сазовор бўлмоқда.**

гани, энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун давлат бош ислохотчи сифатида маъсулиятни ўз зиммасига олганлиги хал қилувчи омили бўлди. Ҳозирда мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими янада барқарор ҳамда узуқисиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада ишончли захиралар яратилган ва зарур ресурслар базаси мавжуд.

## Етакчилик маъсулияти

Тошкентдан Фарғона водийсига Қамчиқ довонидан тушиб борар экансиз, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг белгиси туширилган «Вақт давомида синалган ишонч!» ёзуви гўзал панно эътиборингизни тортади. Бундай суратли рекламаларни юртимизнинг кўплаб нуқталарида учратиш мумкин. Ҳўш, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ишончли ҳамкор эканлиги нималарда кўрилади?

Айтиш жоизки, бугунги давр шитоби тижорат банклари олди-га ҳам жиддий синовларни қўймоқда. Молия бозорига етакчи бўлиш учун мижозларга сифатли, тезкор хизмат кўрсатиш, уларнинг муаммолари билан яшаш, дастлабки муносабатларда барча зарур шароитларни муҳайё қилиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятга эга бўлиш тақозо этилмоқда.

Банк ходимларининг ана шундай муносабатларидан кўнгли тўлган, ишлари муаммосиз, вақтида битган мижозларнинг ўз мамнулигини бошқаларига етказиши, очиги, банк учун жонли реклама сифатида хизмат қилмоқда. Айни пайтда «Ўзсаноатқурилишбанк» 49 та филиал, 100 та минибанк, 200 та жамғарма, 131 та махсус кассалар ва бошқа шохобчаларни ўз ичига олади. Яратилиш, изланиш, янгиликка интилиш, ташаббус кўрсатиш ана шу нуқталарда ишлайдиган ҳар бир ходимнинг қатъий иш услубига, «Мижоз — ҳаммиса ҳақ» тамойили эса доимий шioriға айланган.

Банк турли тармоқ ва мулкчилик шаклидаги хўжалик органларига хизмат кўрсатади. Уларнинг энг йириклари нефтгаз саноати, машина-созлик, қурилиш ва энергетика комплекси тармоқлари, йирик транспорт ва савдо корхоналари ҳисобланади. «Ўзсаноатқурилишбанк» юқори савияда хизмат кўрсатган ҳолда, ўз мижозларига замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларининг жозибдор турларини тақдим этмоқда. Мижозлар билан шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, мижозлар базасини кенгайтириш эса улар ҳисоб-варақларидаги маблағлари ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келди. Қуйидаги кўрсаткичлар мамлакат аҳолисининг «Ўзсаноатқурилишбанк»ка бўлган катта ишончли намоян эътибори: 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, аҳолининг миллий ва хорижий валютадаги омонатлари ҳажми 152,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йил бошидаги кўрсаткичдан 31,4 млрд. сўмга кўдир.

Жамғарма кассалари эса аҳоли учун қўлайлик яратиш мақсадида омонатларни расмийлаштириш билан бир қаторда миний хизмат ва бошқа тўловлар учун нақд пул маблағларини қабул қилаётди. Фақат 2008 йилда электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, миний хизматлар тўловини қабул қиладиган 40 та қўшимча махсус кассалар очилди. Ҳисобот йилида мавжуд махсус кас-

салар орқали аҳолидан 32,8 млрд. сўм миқдориде нақд пул қабул қилинди. Бундан ташқари, банк ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида аҳоли бўш пул маблағлари депозитларга мунтазам жалб этилмоқда. Шу вақтгача 20 дан ортиқ жозибадор омонат турлари тақдим этилди.

## Тараққиёт учун сармоя

«Ўзсаноатқурилишбанк» кредит қўйилмалари бозоридеги муваффақиятли фаолияти орқали маҳаллий тадбиркорларни мақсадли молиявий қўллаб-қувватлаб, хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга кўмаклашмоқда. Банк хўжалик юритувчи субъектларини миллий валютада молиялаш билан бир қаторда халқаро молиявий институтларнинг кредит

## Модернизация — юксалиш омили

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг инвестицион дастурларда фаол иштирок этиши, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, янгилаш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш унинг молия бозоридеги салоҳиятини янада юксалтирмоқда. Мавжуд корхоналарнинг тўлиқ қувват билан ишлаши учун уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта таъмирлаш орқали замонавийлаштириш мақсадларига хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда. Айни кунларда ҳам бир қатор йирик инвестициявий лойиҳаларни хорижий мамлакатларнинг жалб

қонияти тугилади. Бинобарин, бу «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида олиб бораётган кенг қамровли фаолиятининг бир кўриниши, холос.

## Пластик карточкалар — электрон ҳамёнингиз

Мамлакатимизда банкдан ташқари нақд пул маблағларининг айланшини қисқартириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгайтиришнинг асосий омили сифатида пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўз навбатида, «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил сентябрь ойидаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада



тўловларни автоматлаштириш режимидаги кечаю-кундуз қабул қилиш ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имконига эга ахборот киоскалари (инфокиоск) тармоғи ташкил қилинди. Банк томонидан харид қилинган 20 донга яқин инфокиоска аҳоли гавжум жойларга жойлаштирилди.

## Мақсад моҳиятини белгилайди

Маълумки, акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик банклари бошқарувининг олий органи ҳисобланади. «Ўзсаноатқурилишбанк» ўз акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига ривожлантириш суръатларини сақлаб, фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича барқарор кўрсаткичларга эришган ҳолда етиб келди. У мамлакатимиздаги қудратли, ишончли ва етакчи универсал тижорат банкларида бири сифатида юртимиз молия бозоридеги нуфузли макеини янада мустаҳкамлаб келмоқда.

Модомки, «Ўзсаноатқурилишбанк» банк тизимининг барча йўналишларида юқори кўрсаткичларга эришяётган экан, истиқболдаги фаолиятида нималарга эътибор қаратади? Банк томонидан келгусида амалга оширилиши мўлжалланаятган вазифалар нималардан иборат?

Аввало, шунга айтиш керакки, банкнинг диққат марказида, биринчи навбатда, молиявий барқарорликни таъминлаш, капиталлашув даражасини ошириш, рақобатчилар ўртасида ўз ўрнини мустаҳкамлаш масалалари турибди. Бинобарин, буларнинг ҳаммаси филиаллар тармоғини кенгайтириш, тақлиф этилаётган хизмат турлари мажмуи ва сифатини тақомиллаштириш, жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирига қарши омиқкор фаолият кўрсатиш ва ходимларнинг малака даражасини ошириш эътиборида амалга оширилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда босиб ўтилган йўлга, қилинган ишларга ҳолис ва таҳдидли нуқтаи назардан қараб, истиқболни ўйлаб, дадил ва ишонч билан қадам ташлаш, эришилган ютуқлар билан кифояланмаслик зарурлигини даврининг ўзи тақозо этмоқда. Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдулари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида банк тизимини янада тақомиллаштириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил юртимизда Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Унга биноан Давлат дастури қабул қилиниб, кишлоқлар инфраструктурасини тубдан ўзгартириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш юзасидан комплекс тадбирлар белгиланди. Табиийки, бу ҳаётини долзарб, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи вазифалар «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятида ҳам дастуридан бўлиб хизмат қилади. Шу бонс, банкнинг келгусида амалга оширилиши мўлжалланаятган вазифалар қўлини жуда кенг.


Хусусан, яқин ниятлар билан бошланган ушбу йилда банк жамоаси кишлоқ жойларига замонавий технологиялар билан жиҳозланган илҳам корхоналарни бунёд этишни молиялаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг молиявий аҳолини янада яхшилаш йўлида ҳар доимигидан-да самаралироқ фаолият кўрсатиши шубҳасиз. Зеро, банк 2009 йил охиригача Низом жамғармасини 160 миллиард сўмга етказишни режалаштирмоқда. Бу эса яна қўллаб-қувватлаш орқали барқарорлаштириш, халқимиз турмуш даражаси, фаровонлиги янада ошади, деганидир.

линиялари ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан ҳам кредитлашни фаол амалга оширмоқда. 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари 949,6 млрд. сўмга тенг бўлди. «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратишмоқда. Утган йил давомида ушбу соҳага 143 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Шунинг ҳисобига қўшимча олти ярим мингдан ортиқ ишчи ўринлари яратилди. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида мазкур соҳага ажратилган 44,2 миллиард сўмлик кредит эвазига яна қўшимча икки миң киши иш билан таъминланди.

қилинган кредит линиялари ҳисобига молиялаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Маълумки, «Ўзсаноатқурилишбанк» Давлат инвестициявий дастурига амалга оширувчи республикадаги энг йирик банклардан бири ҳисобланади. 2007 йилдаги ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ишлатишга киришган эди. Айни пайтда ушбу жамғарма маблағи ҳисобидан 6 та инвестицион лойиҳа молиялаштирилди. Шу йилнинг биринчи чораги давомида 8,22 млн. АҚШ доллари миқдоридеги маблағ ўзлаштирилди.

Жумладан, «Тюбегатин» маркази



Албатта, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг кредит қўйилмалари бозоридеги фаолияти фақат шундангина иборат эмас. Айни пайтда банк ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ҳаётини муҳим масалаларни ҳал этиш йўлида ҳам талай ишларни амалга оширмоқда. Эътибор беринг: ўтган йил ёш оилаларга 26,2 млрд. сўмлик кредит ажратилганлиги бу борадаги эзгу ишлар қўлими ва миқёси нақадар улкан эканини кўрсатиб турибди. Шундан 16,3 млрд. сўмни ипотека, 8,3 млрд. сўмни истеъмол ва 1,6 млрд. сўмни микрокредитлар ташкил этди. Бугунимиз ва эртаниннинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланмиш ёшларимиз келажак йўлида жорий йилнинг ўтган дастлабки уч ойи давомида 5,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, банк юртимизнинг турли ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида юзлаб ёш оилаларга мўлжалланган уй-йўқ қурилиш ва реконструкция ишларини молиялаштирмоқда. Жумладан, шу мақсадда Ангрэн, Андижон, Қарши ва Янгйер шаҳарларида қад кўтарган мухташам уйлар аллақачон ўз соҳибларини кутмоқда. Мамлакатимизнинг қолган ҳудудларидаги миллий аъналар ва бугунги кун ютуқларини мўжассамлаштирган ишоотлар қурилиши эса охирига етай деб қолди. Ушбу «банк ўй»ларининг фойдаланишга топширилиши республикамиз тураркой фондини яна 31,2 миң квадрат метр яшаш майдонига кенгайтиради. Бу 60 та бир хонали, 204 та икки хонали, 152 та уч хонали ва 26 та тўрт хонали хонадон бунёд этилади, деганидир.

тузлари қони базасида Деҳқонобод қалий ўғитлари заводи, босими қомпрессор станциясини қуриш, «Помук» қонини ўзлаштиришдек муҳим аҳамиятга молик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш бошлади.

Эътиборли жиҳати, банк капитал қурилиш иштирокчиларига молиялаштириш расмийлаштириш ва тўловларни ўтказишдан тортиб, объектнинг муҳандислик-техник ишларини амалга ошириш ҳамда молиялаштирилаётган қурилишга муҳандислик хизмати кўрсатишгача бўлган комплекс хизматларни бажармоқда.

Табиийки, хўжалик субъектларини модернизациялаш, шу орқали иқтисодиётни юксалтириш нақадар устувор эканлиги ҳақида алоҳида тўхталишни ҳожасти бўлмас керак. Чунки бу, авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг даромадларини ошириш, энг муҳими, ижтимоий масалаларни ҳал этиш демакдир. Шу ўринда, тасаввур қилиш учун бир мисол. Масалан, банк биргина Деҳқонобод қалий ўғитларини ишлаб чиқариш заводи қурилиш лойиҳасини молиялаштириши орқали минтақада йилга 200 миң тонна қалий ўғити ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона завод вужудга келади. Энг муҳими, минглаб қўшимча янги иш ўринлари яратилади. Қолаверса, мамлакатимиз кишлоқ хўжалигини ғоят зарур маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, балки юртимизнинг экспорт салоҳиятини ҳам ошириш им-

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Президентимизнинг 2006 йил августдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Маълумки, «Ўзсаноатқурилишбанк» пластик карточкаларни мўмалага қилишни ва мижозларга хизмат кўрсатишни 2000 йилдан бери амалга ошириб келмоқда. 2002 йилда VISA халқаро ассоциациясига аъзо бўлди. Ҳозирги кунга келиб, мижозларга бу тизимнинг замонавий хизмат турларини тақдим қилиб келмоқда.

Ўтган йил якунларига кўра, банк томонидан 860 000 донна пластик карточка мўмаларига чиқарилган бўлиб, 214,9 миллиард сўм кирим қилинган. Банк касса-лари ва савдо ҳамда пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали эса жами тўлов айланмаси 132,1 миллиард сўмни ташкил этди, шундан савдо терминалларидан 84,8 миллиард сўм, банк кассаларидаги терминаллар орқали 47,4 миллиард сўм миқдоридеги тўлов айланмаси бўлиб ўтган.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, мўмалага чиқарилган «Visa Electron» ва «Visa Classic» пластик карточкалари сони 875 577 тага етди. Уларларга хизмат кўрсатиш учун жами 3 745 та, шундан савдо шохобчаларига 3 501 та, жамғарма касса ва минибанкларга 244 та терминал ўрнатилган. Бундан ташқари, аҳолини нақд пул билан таъминлаш мақсадида 25 донна банкومات ўрнатилди. Мазкур давр мобайнида банк томонидан яна 19 000 донна пластик карточкалар мўмалага чиқарилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан «Навоий Азот» ОАЖ, «Навоий ИЕС» ОАЖ, Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи, Аммофос ОАЖ, «Фаргонаазот», Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи, Фарғона механика заводи, «Электримезавод» ОАЖ, Тошкент трактор заводи каби йирик корхона ва ташкилотларга иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали тарқатиш жорий қилинди.

Банк томонидан ўрнатилган савдо шохобчаларидаги терминаллар DUET тизимидеги бошқа тижорат банклари мўмалага чиқарган пластик карточкалар эгаларига ҳам хизмат кўрсатишни амалга ошириб келмоқда. Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан юридик ташкилотлар учун чиқарилган корпоратив «Visa Business» пластик карточкалар сони ҳам ошиб бормоқда. «Visa Business» пластик карточкалари эгалари кундалик ва хўжалик харажатлари учун VISA савдо белгиси мавжуд бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширмоқдалар.

Банк томонидан янгидан-янги хизмат турлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аҳолига коммунал ва бошқа

Шу билан бирга, «Ўзсаноатқурилишбанк» омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг пул маблағларини қўлайлаштириш ва сақлашга алоҳида эътибор қаратади. Бундан ташқари, банк миллий молия тизимини янада барқарорлаштириш, иқтисодиётнинг аниқ тармоғига инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш ва шу орқали мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этишни ўзининг устувор мақсадларидан бири, деб билди. Модомки, шундай экан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бугун фаолияти бундан кейин ҳам Президентимиз раҳнамоллигидеги ўз келажакини ўз қўли билан яратаятган бунёдкор халқимизнинг фаровонлиги, ободлиги ва дунёда ҳеч қандам хом бўлмай яшаш йўлида олиб борилаётган эзгу ва кенг қамровли ислохотларга қамарбаста бўлаверди.

Спорт
Суперкубок қимга
насиб этади?

30 апрель куни
Тошкентда мини-
футбол бўйича
Ўзбекистон
суперкубоги
ўтказилади.

Биринчи бор ташкил-
лаштирилган мазкур
мусобақада мамлакатимизнинг
амалдаги чемпиони "Строитель" (Зарафшон) ва кубок соҳиби "Ардус" (Тошкент) жамоалари майдонга тушдилар.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Наманганлик
ёшлар - голиб

Бухоро шаҳрида
баскетбол бўйича
1990-1992 йилларда
тутилган қизлар
ўртасида мамлакат
чемпионати бўлиб
ўтди.

Жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб бордилар. Ўз гуруҳларида голиб чиққан Тошкент шаҳри ва Наманган вилояти вакиллари финалда юзма-юз келишди. Унда 45:50 ҳисобида наманганлик ёш баскетболчилар голиб чиқдилар.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кикбоксингчилар
беллашувви

Тошкент шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида қорақалпоғистонлик ёшлар муваффақиятли иштирок этдилар.

Жумладан, С. Сарсенбоева, Н. Айимбетов, А. Назимов ва А. Пахратдинова совриндорлар сифидан жой олишди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чинакам ижодкор халққа, одамларга эзгулик улашиш, уларни маърифат йўлига бошлаш муроди билан яшайди. Ану шу хайрли мақсадлари рўйбени кўриш иштиқидан илҳом олади, ўқувчию китобхонлари, мухлису муштарийлари эъзозу эҳтиромидан руҳланади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом номини бугун ана шундай ижодкор юртдошларимиз қаторида ифтихор билан тилга оламиз, хотирлаймиз.

ИЖОДКОРНИНГ
БОҶИЙ ИҚБОЛИ

"Ўз халқинг, ўз давлатинг хизматидан буюкроқ, шарафлироқ бурч йўқдир, — деб ёзганди у. — Юртингнинг хар бир эшиги сенга очик, хар бир уй, оилада азиз меҳмонсан, йўл юрсанг, хар бир бекатда китобхонларинг истиқболингга пешвоз чиқадилар, ... ҳаёт қайнайди, замон ва замин, қаҳрамонлар ва уларнинг жасоратлари қаламингга муштоқ! Ёзувчи учун бундан ҳам улканроқ иқбол бўлиши мумкинми!"

Ҳамид Фулом адабиёт ва санъатнинг турли жанрларида ижод қилди. Наасрада "Машъал", "Мангулик", "Феруза", "Бинафша атри", "Машраб" сингари романлари, "Олмос қизи", "Ва-

фонинг узун йўли" ва бошқа кассалари, туркум хикоялари, очерк ва публицистик мақолалари ёзувчининг элга танитди. Драматург сифатидаги ижоди ҳам

Хотира

сермаҳсул. У асосан мусиқали драматургия соҳасида Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Манас Левиев сингари бастакорлар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Машхур режиссёр Раззоқ Ҳамроев ва танқидчи актёр Сойиб Хўжаев билан биргаликда яратилган "Тошболта ошиқ" мусиқали драмаси адиб ижодида алоҳида ўрни тутади. Ҳамид Фулом истиқлол

йилларида "Меҳнат шўхрати" ордени ва "Шўхрат" медали билан тақдирланди. Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига биноан "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланди.

Шу йил 25 апрелда Ҳамид Фулом таваллудига 90 йил тўлади. Ушбу сана арафасида ижодкорнинг назимий, насрий ва драматург асарларидан намуналар Фаҳруллоҳ номидаги нашриёт-матбаа ўйи томонидан "Ассалом, Ўзбекигим" номи билан китоб ҳолида нашр этилди. Куйида ушбу китобга киритилган шеърлардан намуналар ўқийсиз.

Ассалом, ўзбегим

Ассалом, улғу халқ, ўзбегим,
Дилан пок, қутлуғ халқ, ўзбегим.
Ассалом, хур мақдир, истиқлол,
Иқболим, шарафим, ўзлгим.

Меҳнатда чиниққан э улғу,
Улуғдир қарогон истиқлол.
Мирд халқим, эрк шариф, эрк қутлуғ,
Бахтингдир бу байрам, истиқлол.

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порайди юксакда қуёшим.
Иула кўркам, эл кўркам, дил кўркам,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порайди юксакда қуёшим.
Иула кўркам, эл кўркам, дил кўркам,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!



Манзил яқин, интил, карвоним,
Оғир йўлинг бехатар бўлсин.
Юқинг қутлуғ, дароғим, армоним,
Бепушаймон, бекадар бўлсин!

Шу қут замин улғу онандир,
Унинг куйи — дил таронандир.
Кенг далалар — ижодхонандир,
Ёзганларинг шох асар бўлсин!

Ер юзини кездим сен қадар,
Матонатда сенга баробар
Фидойини кам кўрдим, агар,
Тупроқ олсанг, олтин-зар бўлсин!

Меҳнатингнинг маҳсули ҳалол,
Элинг учун ҳам нон, ҳам қуроқ,
Қандинги ур, халқим, безавол,
Фарзандларинг музаффар бўлсин.

Умр бўйи ўйлаганларинг,
Достонларда сўйлаганларинг,
Қўшиқларда куйлаганларинг,
Элим, сенга мўътабар бўлсин!

ФАН-ТЕХНИКА
янгиликлари

Қуёшдан
қувват олиб

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институти олимлари томонидан қуёш суви иситкич коллекторининг янги тури ишлаб чиқилди.

Коллектор тураржой бинолари, жамоат ва ишлаб чиқариш иншоотларининг иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланишга мўлжалланган. Ушбу қурилма ёз мавсумида иссиқлик энергиясини сарфини 70-80 фоизгача тежаш имконини беради.

Чиқиндидан
маҳсулот

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети олимларининг тадқиқотлари натижасида фосфогипс ва ёғ-мой саноати чиқиндиларидан полимербетонли композиция олиш технологияси яратилди. Ушбу технология асосида ишлаб чиқарилган полимербетон композициялардан автомобиль ҳаракатландирган йўлакларни белгилаш ва бўяшда иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

О. ПАРПИЕВ.



ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС
САЊЪАТКОРЛАРИНИНГ
ҚЎШМА КОНЦЕРТИ

Корея Республикаси маданияти фестивали доирасида пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўзбек ва корейс санъаткорлари иштирокида катта концерт бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатлари, Корея Республикасининг Маданият, спорт ва сайёҳлик вазирлиги ҳамда ушбу давлатнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маданият масалалари бўйича икки томонлама кўмита ўзаро гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкентда "Ўзбекистон — Корея" дўстлик жамаияти, Корея таълим маркази, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд давлат чет тиллари институтида корейс тили ва маданияти марказлари фаоллият юритмоқда. Икки мамлакатда ҳам миллий маданият кунлари, кинофестиваллар, тасвирий санъат асарлари

Кўргазмалари, мусиқа ва рақс ансамблларининг гастроллари мунтазам ўтказиб келинади.

Концертда Жанубий Кореядан келган санъаткорлар ва Ўзбекистон санъат усталари томонидан миллий ва замонавий куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Икки халқнинг миллий мумтоз наволари, замонавий мусиқаси, рақслари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида, шунингдек, Корея миллий либослари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тошкентда ўтаётган Корея Республикаси маданияти фестивали кунлари Ўзбек миллий маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганимиздан гоят хурсандмиз, — дейди Корея Либослар саноати маркетинг институти бош директори Хон Жу Пак. — Ўзбекистонда бошқа йўналишлар қатори санъат соҳаси ҳам юксак даражада ривожланганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари, жозибдор рақслари, айниқса, миллий либослари хар қандай кишини мафтун қилади.

(ЎЗА).
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат.

«БОЛАЛИК БАҲОРИ» ФЕСТИВАЛИ

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган болалар бадиий жамоалари фестивалининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган фестивалда бадиий жамоалар бешта йўналишда — анъанавий хонандлик, соҳнадалик, эстрада хонандлиги, рақс санъати ва ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Яқунда Пахтакор туманидаги 14-мусиқа ва санъат мактаби болалар жамоаси голиб чиқди. Энди пахтакорликлар фестивалининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО
(24 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қисқа муддатли ёмғир ёиши мумкин. Ҳарорат тунда 2-7 даража илик, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Тунда 8-13 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик кутилмайди. Тунда 8-13 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Тунда 8-13 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 10-12, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

От спорти
ишқибозлари
диққатига!

Мамлакатимизда от спорти янада ривожлантириш, уни жаҳон миқёсига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси, «Ҳасков» қолбаса маҳсулотлари, «Абу Сахий Савдо маркази» МЧЖ ҳомийлигида

Тошкент вилоятининг
Хонобод «Жокей» спорт клубида
23-26 апрель кунлари

от спорти бўйича жаҳон кубогининг анъанавий 1-саралаш босқичи мусобақалари ўтказилади.

Мусобақада Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон Республикаларининг энг кучли спортчилари қатнашади.

Мусобақага марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ОТ СПОРТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
Телефонлар: 239-14-35, 239-14-02.

Advertisement for New Holland TL5060 tractor, including technical specifications and contact information.

Advertisement for Integral Asia and Dell computers, featuring images of various computer models.

Advertisement for New Holland TL5060 tractor, featuring a large image of the tractor and technical details.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. Тел. 233-70-99. Сайт: www.pochta.uz

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including subscription information and contact details.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', including contact information and publication details.

Advertisement for a newspaper subscription, including contact information and pricing.

Advertisement for 'Манзилимиз' newspaper, including contact information and subscription details.